
Кузги шудгорлаш ишларини намунали ташкил этиш бўйича кўргазмали семинар ўтказилди

Учўпrik туманида 2025 йил ҳосили учун пухта замин яратиш мақсадида кузги шудгорлаш ишларини намунали ташкил этишга бағишиланган кўргазмали семинар ўтказилди.

Семинарда туман ҳокими Қодиржон Эркабоев, секторлар, пахта-тўқимачилик кластери ҳамда фермер хўжаликлари раҳбарлари, механизаторлар, сувчилар, қишлоқ хўжалигига масъул идора ва ташкилотлар вакиллари қатнашди.

Сектор раҳбарлари марказий МТПдаги ҳайдов техникаларининг созлиги, механизаторлар, операторлар учун яратилган шароитлар – иссиқ овқат учун захира, иситиш ускуналари, дам олиш жойлари билан танишишди.

Семинар давомида қишлоқ хўжалиги техникаларини мавсумга тайёрлаш ишлари яхши йўлга қўйилгани эътироф этилиб, белгиланган агротехник тадбирларни сифатли амалга ошириш, унумдорлиги юқори бўлган замонавий техникалардан фойдаланиш лозимлиги қайд этилди.

Шудгорлаш ишларини сифатли ташкил этиш учун ҳар бир отрядни юқори унумли ҳайдов техникалари билан таъминлаш, механизаторларга муносаб меҳнат ва дам олиш шароити яратиш, уларни доимий рағбатлантириб бориш лозимлиги таъкидланди.

Семинар давомида илғор ишчи ва механизаторларга пул мукофотлари ҳамда совғалар топширилди.

2024-12-12 13:48:59